

## Осий нега мағфират қилинди?



15:20 / 24.01.2019 3698

*Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бир ҳадисни етти мартадан кўп айтганларини эшитдим. Мен у зотнинг «Кифл Бану Исроилдан эди. У гуноҳдан сақланмас эди. Унинг олдига бир аёл келди. У унга устига чиқиш шарти ила олтмиш динар берди. У эр хотинига қандоқ ўтирадиган бўлса, унга ўшандоқ ҳолда ўтирган чоғида аёл йиғлай бошлади. Шунда у: «Нимага йиғлаяпсан? Мен сени мажбур қилдимми?» деди. «Йўқ. Аммо мен бу ишни ҳеч қилмаган эдим. Фақат муҳтожлик мени бунга мажбур қилди», деди. «Сен аввал қилмаган ишингни қияпсанми? Бор, кетавер! Пуллар ҳам ўзингга», деди. Сўнгра «Йўқ. Аллоҳга қасамки, бундан кейин Аллоҳга асло осий бўлмайман», деди.**

**У ўша кечаси ўлди. Бас, унинг эшигига «Албатта, Аллоҳ Кифлни мағфират қилди», деб ёзилиб қолди», деганларини эшитдим».**

Гуноҳлардан сақланиш қалбнинг поклигини сақлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун гуноҳларни озайтириш керак. Бу иш икки дунё учун ҳам фойдалидир.

Вакийъ ибн Жарроҳ келтирган ривоятда Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Гуноҳларни озайтиринглар! Албатта, сизлар Аллоҳ таолога гуноҳ озлигидан афзал нарса ила йўлиқа олмайсизлар».

Банда зоҳирий ва ботиний, катта ва кичик маъсиятлардан ҳазир бўлиши лозим. Кўпинча бир маъсият бошқа маъсиятга тортиши ҳам мумкин. Хусусан, қалб ва тил маъсиятлари каби ҳис қилиш қийин бўлган маъсиятлардан эҳтиёт бўлиш керак.

***«Руҳий тарбия» китобидан***